

Примеры из Сингапура, Эстонии, Кении и Китая показывают, как разные стратегии и инновации могут улучшить экономику через обновление банковской системы. Узбекистану выгодно применить эти практики, учитывая свои особенности. Это включает развитие цифровых банковских услуг, использование блокчейна для безопасности и прозрачности, а также партнерство с финтех-компаниями для увеличения финансовых продуктов и услуг.

Совершенствование банковской системы Узбекистана, включая инновации, цифровизацию и улучшение законодательства, имеет важное значение для экономического роста страны. Это улучшит доступ к финансам и способствует бизнес-развитию, открывая пути для инвестиций и мировой интеграции. Основные задачи - обновление нормативной базы и повышение квалификации специалистов, сохраняя баланс между инновациями и безопасностью. Важны сотрудничество с госструктурами, финансовым сектором и международным сообществом, а также открытость к нововведениям для достижения успеха и экономического процветания.

Список использованной литературы

1. *"Economic growth for the good of all: Sustainable and inclusive" om McKinsey.*
2. *"Modernizing core technology, without breaking the bank" om McKinsey.*
3. *"The impact of digitalization on the banking sector: Evidence from fintech countries".*

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ БАНКЛАР БИЛАН БИРГАЛИҚДА МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Нусратов Жавлонхон

*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
Лойиҳа бошқаруви мутахассислиги тингловчиси*

Жаҳон сахнида рўй бераётган глобал ўзгаришлар шароитида бугунги кундаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётни тижорат банклари ҳамда уларнинг молиявий қўллаб-қувватлашисиз тасаввур қила олмаймиз. Зеро, банклар иқтисодиётнинг қон томири саналиб, пул маблағларини йўналтирувчи муассаса сифатида иқтисодиётнинг локомотиви, деб таъриф беришганлаги ҳам бежиз эмас. Иқтисодиётнинг ривожланишини эса инвестиция лойиҳаларини амалиётга тадбиқ этиш орқали амалга оширишимиз мумкин бўлади. Замонавий иқтисодиёт дравверлари бўлган хусусий бизнес доимо фойдани максималлаштиришга ҳамда янгидан - янги лойиҳаларни амалиётга кенг жорий этишга интилади. Ушбу лойиҳаларни жорий этиш учун эса банк-молия тизими лойиҳаларни молиялаштириш тизимини турли вариантларини таклиф қила олиши лозим. Венчур капитали ёки ИПО каби молиялаштиришнинг бошқа манбаларидан фойдаланиш имконияти чекланган замонавий шароитда банк кредитлари инвестиция

лойиҳаларини амалга ошириш учун алоҳида аҳамият касб этади. Банк кредитлари орқали лойиҳани амалга ошириш: йирик миқдордаги маблағларни жалб қилиш, узоқ муддатли молиялаштириш, давлат бюджетдаги юкни камайтириш, капитал бозорининг ривожланишини рағбатлантириш ҳамда рақобатни рағбатлантириш каби имкониятларни бериши барчамизга маълум.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ҳозирги вақтда амалга оширилаётган тузилмавий ўзгаришлар, энг аввало банк тизими билан бевосита боғлиқ бўлиб келмоқда. Чунки, Республикада режалаштирилган инвестиция дастурини амалга оширишда ўтиш даврига хос бўлган молиявий ресурсларнинг чегараланганлиги сезилмоқда. Шунинг учун ҳам банкларнинг узоқ муддатли кредитларидан самарали фойдаланиш ҳам муҳим масалалардан бири ҳисобланиб, республикада ялпи ички маҳсулотнинг изчил ўсиш суръатларини таъминлашда, тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитларининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат ҳудудлар ва тармоқларнинг ривожланишига инвестицияларни, хусусан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилганлиги боис тижорат банкларининг кредит портфелида инвестицион кредитларнинг салмоғини оширишга бўлган эҳтиёж кучайиб бормоқда. Шу сабабли инвестицион кредитлаш амалиётини ривожлантириш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тақдим этилган статистик бюллетенга назар ташлайдиган бўлсак, 2023 йилда якунига кўра тижорат банклари томонидан юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларга жами миллий ҳамда хорижий валютада 151 166,8 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13 328,7 млрд. сўм ёки 9,7 фоизга кўплигини кўрсатади. Ушбу кўрсаткичларни тармоқлар кесимида оладиган бўлсак қуйидагиларни кўришимиз мумкин.

1-жадвал.

Тижорат банклари томонидан 2022-2023 йилларда юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларга ажратилган кредитлар (тармоқлар кесимида)

трлн. сўмда

Йиллар	Жами	Шундан					
		Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Қурилиш	Савдо ва умумий овқатланиш	Транспорт ва комму- никация	Бошқа- лар
2022 йил	137,8	60,2	16,0	7,8	30,3	7,2	65,3
2023 йил	151,2	66,9	14,6	6,8	30,5	9,6	100,2

Ушбу жадвалдан, мамлакатимизда инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда тижорат банкларининг кредит улушлари иқтисодиётнинг саноат, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт ва коммуникация ҳамда бошқа тармоқларида ўсиб бораётганлиги яққол кўриниб турибди. Бундан қуйидаги хулосага келишимиз мумкин: мамлакатимиз иқтисодиётда йилдан - йилга кўплаб инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда, бу эса ўз навбатида пул маблағларига бўлган талабни оширмоқда ҳамда кредит билан таъминланиш даражасини ошиб бораётганлигига далолат беради. Лекин, шу ерда бир нарсани инобатга олишимиз мақсадга мувофиқ ҳисобланади, яъни лойиҳаларнинг рентабеллик даражаси ҳамда тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган кредитларнинг йиллик фоизи ўртасидаги фарқ. 2024 йил январь ойи якунларига кўра миллий вальютада ажратиладиган корпоратив кредитлар бўйича ўртача тортилган ставка 22,9 фоизни, чет эл валютасида эса 9,5 фоизни ташкил этмоқда. Бундан кўришимиз мумкинки, ҳозирги пайтда пул бозорида нархлар даражаси юқори ҳамда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда бу жиҳатни албатта инобатга олиш лозим.

Юқоридагилар асосида хулоса қиладиган бўлсак, инвестицион лойиҳаларни банклар билан биргаликда молиялаштириш амалиётини ривожлантириш учун тижорат банкларининг узоқ муддатга миллий ва хорижий валюталардаги ресурс базасини кўпайтириш йўлларни аниқлаш долзарб аҳамият касб этади. Ушбу мақсадга эришиш учун хорижий банклардан арзон ресурслар жалб қилиш йўлларини излаш ёки тижорат банкларнинг фонд бозоридаги иштирокини яхшилаш мақсадга мувофиқ.

ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА БАНК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУС

Зиядуллаев Зукҳриддин

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Стажёр ўқитувчи

Жаҳон молия бозорларидаги беқарор молиявий-иқтисодий вазият билан ажралиб турадиган замонавий иқтисодий ривожланиш даврида Ўзбекистон банкларининг асосий вазифаси мижозлар базасини сақлаб қолиш ва янги мижозларни жалб қилишдир. Ўсиб бораётган банклараро рақобат банкларга ушбу муаммонинг ечимини топиш учун шарт-шароитларни белгилайди. Иқтисодиётнинг рақамли трансформацияси шароитида банк харажатларини камайтиришга қаратилган ички жараёнлар самарадорлигини ошириш жараёни муҳим рол ўйнайди.

Олдинги параграфда акс еттирилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида инновацияларни жорий этиш нафақат банк секторида, балки бутун молия бозорида